

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ  
МОЛИЯВИЙ ВА НОМОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАРИДАН САМАРАЛИ  
ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**WAYS OF EFFECTIVE USE OF FINANCIAL AND NON-FINANCIAL  
MEANS OF POVERTY REDUCTION IN THE NEW UZBEKISTAN**

**Мамбетжанов Қ.Қ.**

Ўз.МУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси

доценти, и.ф.д

**Каримова Л.С**

ТДИУ “Фундаментал Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

**Аннотация**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик risksи мавжуд бўлган аҳоли гуруҳлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртача иш ҳақининг 40-59 фоизида тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари ҳисобланади. Бунда давлат томонидан ушбу турдаги аҳолининг ижтимоий гуруҳларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртача иш ҳақиға нисбатан 60 фоиз миқдорига тенглаштириш учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиш талаб этилади.

**Abstract**

Based on the global practice of social protection of the population, the population groups at risk of poverty are the population groups whose disposable income of all types of household members corresponds to 40-59% of the national average wage per capita. In this case, the state is required to establish a procedure for assigning and paying stratified social allowances to social groups of this type of population in order to make the per capita income of household members equal to 60 percent of the average salary in the country.

**Калит сўзлар:** камбағалликни қисқартириш, уй хўжалиги, турмуш фаровонли, аҳоли бандлиги, молия-кредит тизими.


**Key words:** poverty reduction, household, welfare, population employment, financial and credit system.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан бирга, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари, яъни, банк, молия-кредит тизимини ривожлантириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш учун замин яратмоқда.

Амалдаги қонунчиликка биноан, мамлакатимизда кам таъминланган оила сифатида даромад аниқланаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир

оила аъзосига тўғри келадиган улуши базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инobatга олинади.<sup>2</sup>

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори билан камбағаллик даражасининг ўзгариши ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Олинган натижаларга кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми билан аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффиценти 0,64 га тенг бўлди, ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита кучли эканлиги аниқланди. Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига мувофиқ мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ бўйича жаҳондаги ўрта юқори даромадли мамлакатлар кириши режалаштирилган. Ушбу вазиятни инobatга олган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ билан камбағаллик даражаси ўртасидаги кучли тескари боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширган прогнозларимиз натижасига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражаси 7,3 фоизга пасайтириш имконини беради (3.1-расмга қаранг).



**3.1-расм. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори кўрсаткичига асосланган ҳолда мамлакатимизда камбағаллик даражаси бўйича прогноз<sup>3</sup>**

2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳоли бандлигини оширишга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурига устуворлик қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев айтганларидек: тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди... камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.<sup>4</sup>

Президентимиз айтганларидек, баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарорига 1-илова, 15.02.2013 й.


<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.”<sup>5</sup>.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги аниқланди. Шу билан бирга, 2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида 2020 йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 трлн. сўм маблағ йўналтирилди, жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурига қўшимча 1 трлн. сўм ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” дастури доирасида 190 млрд. сўм ажратилди.<sup>6</sup>

2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” каби фаол дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши билан аҳоли камбағаллиги даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,69 га тенг бўлди. Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, 2030 йилга бориб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 70 фоизга етказиш орқали камбағаллик даражасини 4,5 фоизга камайтириш мумкин бўлади. Олинган натижалар мамлакатимизда “2030 йилгача бўлган муддатда кам таъминланганликнинг барча кўринишларини икки баробар қисқартириш”<sup>7</sup> вазифасини ҳал этиш имкони мавжудлигидан далолат беради (3.2-расмга қаранг).



<sup>5</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<sup>6</sup>2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 20 октябрь, 841-сон Қарори

### **3.2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ва камбағаллик даражасининг ўзгариши бўйича прогнозлар<sup>8</sup>**

Тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги бўйича турли гуруҳларга ажратиш ва уларга тегишли ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик бўйича нафақаларни тайинланишида куйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, мамлакат бўйича ва ҳудудлар кесимида аҳоли таркибида ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини белгилаш. Бунда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳларини табақалашган ҳолда манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мумкин бўлади. Яъни, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини тегишли гуруҳларга ажратиш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мумкин бўлади. Фикримизча аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётида келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларида яшаётган аҳоли; моддий ресурслар танқислиги ва камбағаллик rischi мавжуд бўлган ҳолатлардаги кишилар.

Уй хўжаликларида истиқомат қилаётган мамлакатдаги қонунчиликка биноан меҳнат лаёқатига эга бўлган жами оила аъзоларининг умумий меҳнат салоҳиятига нисбатан 20 фоизи ёки ундан кам бўлган улушидан фойдаланаётган, уй хўжалигида топилаётган барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 60-65 фоизи ўртасида тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликлари ҳисобланади. Ушбу ҳолатда уй хўжалигида истиқомат қилаётган оила аъзоларининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасидан пастлашиб кетиш хавфи юқори ҳисобланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолатда меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларини аниқлаш, уларга муносиб иш ўринларини топишда ёрдам бериш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида билдирилган таклифларни мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш амалиётида қўлланилиши аҳоли даромадларини шакллантириш ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини аниқ-манзилли ижтимоий ҳимоялаш учун хизмат қилади ва ўрта даромадли аҳоли улушини ортишига замин яратади. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

---

<sup>8</sup>Муаллиф томонидан тузилган.